

# Исломга сўзи ва амали билан даъват қилган аллома



18:15 / 11.03.2022 5319

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳ донишманд,  
ҳикматли олим эдилар.

Мақтаганни ёқтирмас, барча ишда Аллоҳ таолога суянар, илмга қизиққан  
кишиларни яхши кўрар, уларни рағбатлантириб, илмга бўлган қизиқиши ва  
интилишининг зиёда бўлишига сабаб бўладиган ишларни қилишга  
уринардилар.

Катта-кичик демасдан, ҳурматини жойига қўяр, ўша инсоннинг қалби  
ўксимаслигининг чорасини кўрардилар. Керак бўлса, унинг исмини  
кўпчилик ичида зикр қилиб, илмга оид қилган ишларини эътироф  
этардилар.

Аллоҳ таоло ҳазратнинг вақтларига, илмларига барака берган эди. У киши

- ибодат қилиш,
- кунлик вирдларни бажариш,
- китоб ёзиш,
- таржима қилиш,
- мақола ёзиш,
- сайтларни кузатиш,
- сайтларга қўйилган мақолаларни ўқиш,
- саволларга жавоб бериш,
- Исломий ташкилотларнинг саммитларида мавъизалар билан иштирок этиш,
- ҳафтанинг турли кунларида мусулмонларнинг шахсий мурожаатларини қабул қилиш,
- турли вилоятларга тўй-маъракаларга бориш,
- Рамазон ойида тўлиқ бир ой турли вилоятлар масжидларида илмий суҳбатлар қилиш,
- оила ишларига бош-қош бўлиш,
- ёзилган китобларнинг аудиосини ўқиш,
- сайт фаолиятига доир мажлисларда қатнашиш,
- сайт томонидан ташкил этиладиган турли тадбирларда қатнашиш,
- уламолар билан ўтказиладиган дарсларга бош бўлиш,
- нашриёт ишларига бош бўлиш,
- спорт билан шуғулланиш,
- дам олиб, хордиқ чиқариш каби ишларга улгурардилар.



Бугун халқимиз у кишининг 120 дан ортиқ асарларини ўқиб, тинглаб, кўриб илм ўрганиб, динимизни англамоқдалар.

Аллоҳ таоло ҳазратимизни раҳматига олсин! Қолдирган илмларидан кўплаб фойдалар олишимизни барчамизга насиб этсин! Зурриёдларимиздан у кишига ўхшаган илмига амал қилувчи олимларни кўплаб чиқарсин!

### **Ҳазратнинг ҳикматли жавоблари**

Бир куни шайх ҳазратларидан «Ҳазрат, Муҳаммад Саъийд Рамазон Бутий раҳимаҳуллоҳнинг жума мавъизаларидан бир нечтасини қўлдан келганича таржима қилган эдим. Шу таржиманинг остига, албатта, Муҳаммад Саъийд Рамазон Бутий раҳимаҳуллоҳнинг исмларини ёздим. Охирида «фалончи таржимаси» дея исминни ёзиб қўйсам бўладими?» деб сўрадим.

Шунда шайх ҳазратлари табассум қилдилар ва «Албатта, ёзасизда. Ахир Бутий раҳимаҳуллоҳ ўзбек тилида гапирмаганлар-ку!» дедилар.

### **Ўша кунга ҳам анча йил бўлибди**

2015 йил 10 март куни тахминан кеч соат 19:30 ёки 20:00 лар атрофида менга кўнғироқ қилишди. «Алло» десам, у тарафдаги овоз салом аликдан сўнг «Шайх ўтиб қолибдиларми?» деди. Қулоқларимга ишонқирамай қайта сўрадим: «Нима?»

У тарафдаги овоз яна аввалгидек «Шайх ўтиб қолибдиларми?» деди. Нима бўлаётганини англолмасдим.

Кейин шайх ҳазратнинг энг яқин шогирдларидан бўлган Анвар Аҳмад домлага телефон қилдим. Телефонни кўтардилар. Ҳеч нарса демай йиғлардилар. Мен у кишидан «Шу гап ростми?» деб сўрадим.

У киши: «Ҳозир шифохонага олиб кетишди. Кутиб турибмиз» дедилар-да, телефонни ўчирдилар.

Тик турганча ўйланиб турдим. Орадан кўп ўтмай ўша қадрдон инсоним телефон қилиб, йиғлаган овозда «Рост экан» дедилар.

Аллоҳ таоло ҳазратимизни раҳматига олсин! Қабрларини нурга тўлдирсин! Қилган хизматларининг ажрини кўпайтириб берсин! Қолдирган илмларини ўқиб, кўриб, эшитиб, ўрганиб, амал қилишимизни Ўзи насиб этсин! Юртимиздан, зурриёдларимиздан ҳазратимизга ўхшаганларни кўплаб

чиқарсин!

**Нозимжон Ҳошимжон**